

Farg'ona haqiqati

Bosh hamkor – Farg'ona viloyati hokimligi

<http://farhaqiqat.uz/>
t.me/farhaqiqati

№ 37 (24634)



ФАРҒОНАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРА БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12-13 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куну давлатимиз раҳбари иштирокида Фарғона шаҳрида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Фарғоналикларнинг тadbиркорлиги, миришкорлиги туфайли сезиларли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, охириги бир йилда 10 мингдан зиёд кичик корхона ташкил этилган. Экспорт ҳажми 44 фоизга ошиб, 801 миллион долларга етган.

Қувасой шаҳридаги “Кварц” корхонасида 70 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилга 22 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қўштепадаги “Глобал текстиль инфинити” корхонасида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 120 миллион евролик лойиҳа жадал амалга оширилмоқда. Корхона тўртинчи чоракда ишга тушиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилади.

– Биз тўғри йўлни танлаб олдик, – деди Шавкат Мирзиёев.

– Бу жойларда ўз натижасини бераёпти. Фарғона вилояти 801 миллион долларлик экспорт қилган. Иш бошлаганимизда 50 миллион долларни мўлжаллар эдик. Ҳозир 1 миллиард доллар экспорт тўғрисида гаплашяёмиз. Бу – вилоят маҳсулотлари дунё бозорига рақобатбардош бўлиб кириб бораёпти, дегани. Бунинг учун ақл, билим, шижоат керак. Жорий йил яқини бўйича маҳаллий бюджетда 1 триллион сўм қолиши кутиляпти. Бунинг эвазига одамларга шaroит, тadbиркорлик инфратузилмаси бўлади. Энди бу йўлни давом эттиришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари вилоятда мутасаддилар иштирокида сайёр қабуллар ўтказилгани, уларда кўтарилган муаммоларнинг кўпи маҳаллий даражада эканига эътибор қаратди.

– Бу ерга келишдан олдин қабуллар ташкил қилдик. Аҳоли мурожаатларининг 45 фоизи жойида ҳал қилинган. Бу яхши ва биз бу амалиётни давом эттирмаймиз. Лекин савол туғилади: ҳоким, сектор раҳбарлари нима қилган? Бундай масъулиятсизлик, одамларни овора қилишга чек қўйиш керак, – деди Президент.

Аҳоли ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ҳар бир маҳалланинг ихтисослашуви ривожлантирилиши, жорий йилда 147 минг фуқаро бандлигини таъминлаш учун 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши айтилди.

– Ҳамма соҳада маҳалла тизимининг ролини ошираяёмиз. Маҳалла халқнинг фикри дегани, халқнинг истаги дегани. Бунинг учун ҳуқуқий асос яратдик. Фарғона вилоятида 1062 та маҳалла бор. Ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача бирлашиб, тегишли ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг оғирини енгил қилиши керак. Фарғона бу масала бўйича ҳам намуна бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда тadbиркорлар таянч эканини таъкидлади.

– Тadbиркорларга шaroит яратсак, одамларга нафи тегади, ёшларни ўз ортидан эргаштиради. Тadbиркорни сийласак, у халқни сийлайди, – деди Президентимиз.

Вилоят тadbиркорларининг 183 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча 23 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари ва бошқа мутасаддилар ўз тизимини қўйи бўғинда ишлаштириш бўйича халққа ҳисобот берди.

Вилоятда 2022-2023 йилларда санoат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида умумий қиймати 31 триллион сўм бўлган 1 минг 268 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши қайд этилди. Бунда кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари “драйвер” бўлади.

Қишлоқ ҳўжалигида 653 та лойиҳа амалга оширилиб, 23 мингта доимий иш ўрни яратилади. Олтириқ, Фарғона ва Бағдод туманларида 1 минг 200 гектарда интенсиф боғ ва узумзорлар барпо этилиб, ташаббускорларга 10 йилда бўлиб ўлаш шarti билан ажратиб берилади.

Шунингдек, уй-жой ва йўллар қуриш, электр энергияси ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш бўйича режалар маълум қилинди.

– Биз Фарғонадан катта натижалар кутамиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Бу эл тарихдан илм-фан, маданият, ҳўнармандлик бўйича намуна бўлган. Фарғоналиклар меҳнатсeвар, ишбилармон. Бу салoҳиятни, ички имкониятларимизни тўлиқ йўлга қўйиб, халқимизни рози қилиш керак.

ЎЗА.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЎҚИШ, ИЗЛАНИШГА ҲЕЧ ҚАЧОН КЕЧ ЭМАС

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида очилган касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолияти билан танишди.



Жанубий Корея халқaro ҳамкорлик агентлиги — KOICA билан шерикликда ташкил этилган ушбу мажмуада электроника, ахборот технологиялари, автомобилсозлик, тикувчилик, сартарошлик-косметология каби талаб юқори касблар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Марказга барча замонавий ускуна ва жиҳозлар Жанубий Кореядан олиб келинган. Уқув-машғулотлар ҳам ушбу мажмуада дастур ва қўлланмалари асосида ўтилади. Бунинг учун 5 нафар корейлик мураббий жалб этилган. Айни пайтда 240 нафар киши сабоқ олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўқув жараёнларини кўздан кечириб, ёшлар ва хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

– Ўқиш, изланишга ҳеч қачон кеч эмас. Келиб, касб ўрганаётганингиз эртанги кунингизга бефарқ эмаслигингиздан далoлат. Бироз қийин бўлар. Лекин ўзингизни, фарзандларингиз келажagini ўйласангиз, шунга кунт қилинг. Қийинчилик



ўтиб кетади, сиз бойлик яратаясиз, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари корейлик мураббийлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга миннатдорлик билдирди.

Ҳозиргача мамлакатимизда бу каби марказлар Тошкент,

Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бор эди. Фарғонада ташкил этилган янги марказ эса водий вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Узоқдан келиб, касб ўрганувчилар учун ётоқхона ҳам барпо этилган.



ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЯНГИ МАССИВ ҚУРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳрида “Янги Ўзбекистон” массивининг қурилиш майдонида бўлди.

300 гектарли ушбу массивда 298 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Шундан 80 таси бу йил тadbиркорлар томонидан барпо этилади.

Шунингдек, иккита умумтаълим мактаби, учта мактабгача таълим ташкилоти, тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, спорт мажмуаси ва масжид қурилади. 50 гектарда ташкил этилган кичик санoат зонаси аҳолини иш билан

таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Массив ўртасидаги 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” ва сунъий кўл ташкил этилади. Ҳозирданок 10 минг тулдан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилган. Жами 21 минг туپ экилиши режалаштирилган. Шунингдек, Фарғона туманининг “Янги аср”, Езёнов туманининг “Юқори сойбўйи” маҳаллаларида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилади.

Жорий йилда Фарғона вилоятида жами 9 минг 429 квартиралар 244 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари ҳудудга коммуникация тармоқлари тортиш, уйларга замонавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Фарғона вилоятига ташрифини яқунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ

“Инсон қадрини учун” деган эзу тамойил бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўз тасдиғини топмоқда. Асосийси, кенг қамровли ишхотлар ўз самарасини бера бошлади. Буни Фарғона вилоятидаги янги ланишлардан, бунёдкорлик ишларидан ҳам билиш мумкин. Биргина ўтган йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш борасидаги ишлар натижасида 150 минг нафардан зиёд фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди.

Жумладан, Инвестиция дастурига мувофиқ қиймати 4,2 триллион сўм бўлган 809 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 16 мингдан орტიқ янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига таширфини Олтиариқ туманидан бошлади.

Маълумки, Президентимиз ҳудудларни ривожлантиришда уларнинг ўзига хос хусусиятидан ва аҳоли кўникмаларидан келиб чиқиб иш тутиш зарурлигини таъкидлади. Олтиариқнинг шундай устуворлиги деҳқончиликда, одамларнинг омилкорлигида. Айниқса, Олтиариқ узуми чет элларда ҳам таниқли “бренд”га айланган.

Бундай маҳсулотларни кўпайтириш мақсадида туман чеккасидаги минг гектар адирликда узумчилик ва боғдорчилик плантацияси ташкил этилди.

Президентимиз ушбу боғни келиб кўрди.

Илгари бу жой ҳеч нарса экилмайди. Бундан сўнг давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти Фурқат туманидаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасида бўлди. Корхона раҳбари Мухаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ишлари юртимиздаги кўпга мақбара ва янги мажмуаларга кўрқ бағишлаган. Қўлигул хунарманд Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлган.

Мухаммадали Юнусов ижодида “паргори”, “шарафа”, “муқарнас” ва “ислиний” услублар устувор. Нақшинкор устунлар, курси, лавҳ, қутича ва бошқа оилавий буюмлар ҳамма харидорнинг. Устанинг шоғирдлари кўп. Шу боис корхонага кенг шароит яратиш мақсадида янги бино қурилмоқда.

– Ота-боболаримиздан мерос хунарни асраб-авайлаб, ёш авлодга етказиётганимиз, ёшларни ишли қилаётганимиз учун раҳмат, – деди Президент. – Бундай хунармандчилик турларини янада оммалаштириш керак. Бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодий.

Давлатимиз раҳбари мазкур оилавий корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда хунарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам чуқурлаштириб ўқитиш мумкинлигини таъкидлади. Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода ҳам шу каби ёғоч ўймакорлиги марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президент Фарғона вилояти Бувайда туманида қурилган мебелсозлик мажмуасини бориб кўрди. Бувайдада кўпчилик уста дурадгор. Оилалар ўз ўида эшик-ромлар тайёрлаб сотади. Уларнинг маҳсулотлари Фарғона водийсидан ташқари Тошкент шаҳри, узоқ вилоятларгача етказиб берилади.

Лекин ҳовлида шароитлар етишмасди. Об-ҳаво, шовқин ноқулайлик туғдирарди. Бувайдалик хунармандларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллада мебелсозликка ихтисослашган мажмуа барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Бир қаватли биноларда ишлаб чиқариш устaxonалари, икки қаватли биноларда савдо, кўргазма ва маиший хизмат хоналари жойлашган. Президентимиз янги бинода иш бошлаган хунармандлар билан суҳбатлашди.

– Булар бу кунга машаққат билан келган. Энди ҳар куни ишлаш ҳам тайёр. Фақат бунинг учун барқарор хомашё ва бозор керак. Давлат шу жиҳатдан ёрдам берса, хунармандларнинг иши юришади, шоғирдлари кўпаяди, даромади ошади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Қорақалпоғистон ва вилоятларда мебелбop дарахтлар етиштириш, қайта ишланган ёғоч маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозордан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 3 минг 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти Учкўприк туманида бунёд этилаётган Енгил санoат ва лoгистика марказига борди.

Бу мажмуа ҳам Президент ташаббусининг натижаси. Учкўприкда тикувчи аёллар, оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тadbиркорлар кўп. Ле-



тақдимот қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти Фурқат туманидаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасида бўлди.

Корхона раҳбари Мухаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ишлари юртимиздаги кўпга мақбара ва янги мажмуаларга кўрқ бағишлаган. Қўлигул хунарманд Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлган.

Мухаммадали Юнусов ижодида “паргори”, “шарафа”, “муқарнас” ва “ислиний” услублар устувор. Нақшинкор устунлар, курси, лавҳ, қутича ва бошқа оилавий буюмлар ҳамма харидорнинг. Устанинг шоғирдлари кўп. Шу боис корхонага кенг шароит яратиш мақсадида янги бино қурилмоқда.

– Ота-боболаримиздан мерос хунарни асраб-авайлаб, ёш авлодга етказиётганимиз, ёшларни ишли қилаётганимиз учун раҳмат, – деди Президент. – Бундай хунармандчилик турларини янада оммалаштириш керак. Бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодий.

Давлатимиз раҳбари мазкур оилавий корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда хунарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам чуқурлаштириб ўқитиш мумкинлигини таъкидлади. Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода ҳам шу каби ёғоч ўймакорлиги марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президент Фарғона вилояти Бувайда туманида қурилган мебелсозлик мажмуасини бориб кўрди. Бувайдада кўпчилик уста дурадгор. Оилалар ўз ўида эшик-ромлар тайёрлаб сотади. Уларнинг маҳсулотлари Фарғона водийсидан ташқари Тошкент шаҳри, узоқ вилоятларгача етказиб берилади.

Лекин ҳовлида шароитлар етишмасди. Об-ҳаво, шовқин ноқулайлик туғдирарди. Бувайдалик хунармандларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллада мебелсозликка ихтисослашган мажмуа барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Бир қаватли биноларда ишлаб чиқариш устaxonалари, икки қаватли биноларда савдо, кўргазма ва маиший хизмат хоналари жойлашган. Президентимиз янги бинода иш бошлаган хунармандлар билан суҳбатлашди.

– Булар бу кунга машаққат билан келган. Энди ҳар куни ишлаш ҳам тайёр. Фақат бунинг учун барқарор хомашё ва бозор керак. Давлат шу жиҳатдан ёрдам берса, хунармандларнинг иши юришади, шоғирдлари кўпаяди, даромади ошади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Қорақалпоғистон ва вилоятларда мебелбop дарахтлар етиштириш, қайта ишланган ёғоч маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозордан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 3 минг 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.



риш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозордан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 3 минг 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти Учкўприк туманида бунёд этилаётган Енгил санoат ва лoгистика марказига борди.

Бу мажмуа ҳам Президент ташаббусининг натижаси. Учкўприкда тикувчи аёллар, оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тadbиркорлар кўп. Ле-



кин улар мослаштирилган шароитларда ишлар, бу бизнесни кенгайтиришга халал берар эди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги таширфини чоғида тadbиркор аёллар билан суҳбатлашиб, улар учун замонавий мажмуа қурилишига ваъда берган эди. Шу асосида 2021 йил 27 май куни “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил санoат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, лoгистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда 15 гектар ер ажратилиб, кўп қаватли бино барпо этилмоқда. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо рас-таси бўлади. Шунингдек, 2 та лoгистика маркази ташкил этилади. Натижада Бобoшбек, Бекмурод, Зиғир, Палохон ва Яккамулла каби маҳаллалардаги юзлаб тadbиркорларга замонавий қулайлик яратилади.

Масалан, биргина Бобoшбек маҳалласида 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар Қўқон бозори орқали юртимиз ҳудудлари, қўшни мамлакатларгача етиб бормоқда. Энди замонавий шароитлар самарасида бу кўлам янада кенгайди.

Президентимиз бу ерда иш бошлаган тикувчилик корхоналари фаолияти билан танишди, тadbиркорлар ва харидорларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Мажмуада йилига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик экспорт қилиниши мўлжалланган. Жами 7 минг 700 дан орტიқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлиши мумкин.

Қўштепа туманида ҳам яна бир тўқимачилик корхонаси қурилмоқда. “Global textile infinity” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилаётган бу фабрика йилига 18 миллион метр юкори сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.



Давлатимиз раҳбари тўқимачиликда қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

– Бугун бозор бешафқат. Бу рақобатга муносиб бўлиш учун тadbиркорнинг камида беш йиллик мўлжали, сифат кафолати, тан-

нарҳда ўзининг резерви бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Марғилон шаҳрида ташкил этилган Ешлар санoат ва тadbиркорлик зонасида бўлди.

Наврўз маҳалласи ҳудудидаги бу жой илгари тошлок, фойдаланилмайдиган ер эди. Лекин коммуникация ва лoгистика жиҳатидан жуда қулай.

Шу боис 7 гектар майдонда ушбу санoат зонаси ташкил этилди. Бу ерда тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат санoати бўйича 28 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда уларнинг 12 таси ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган. Барча корхоналарда мингдан орტიқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхоналардан бирида ишлаётган аёллар билан суҳбатлашди.

– Инсон қадрини улуғлаш бўйича ҳаракатларимизда аёлларга алоҳида аҳамият қаратаёلمиз. Аёл бу – оила дегани, баркамол фарзандлар дегани. Нима учун “Аёллар дафтари” ташкил қилдик? Ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизга эътибор қилиш учун. Сизнинг ҳам баъзиларингиз “менинг қўлимдан келмайди” деб ўйлаган бўлишингиз мумкин. Қила олар экансиз-ку. Сизлар мана шундай ишонч бўлиши учун, қизларимиз касб-хунарли бўлиши учун бундан кейин ҳам ҳамма имкониятларни ишга сола-миз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай санoат зоналарини чекка туманларда ҳам очиб, унга ёшларни жалб этиш, касбга ўргатиш ва тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Тошлок туманидаги “Agro imrex valley” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд бўлган ушбу корхона 2020 йилда ишга туширилган. Бу ерда “Амира текстиль” белгиси остида тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилимоқда. Шунингдек, ёғи пойабзалларнинг устки қисми ҳам тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда

Тошлок туманида ишлаб чиқарилаётган санoат ва хунармандчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Маъсуджон СУЛТАЙНОВ,
Ўза мухбирлари.

Фаровонлик йўлида яратилган ИМТИЁЗЛАР

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий қўллаб-қувватлаш, даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаш ҳамда тегишли ижтимоий тўловлар миқдорини ошириб бориш борасида амалга оширилган ҳаётбахш ислохотлар кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишлар салмогини янги bosқичга олиб чиқди.

Фармонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 1 майдан бошлаб, ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 324 000 сўм; ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 633 000 сўм; ногиронлик пенсиялари, жум-

ладан иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 698 000 сўм; меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 698 000 сўм; 1941-1945 йиллардаги уруш

оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воёга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри камал қилинган даврда ишлаганларнинг энг кам пенсия миқдори устамалари инобатта олган ҳолда — ойига 3 080 000 сўм; белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (633 000 сўмдан) 698 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига 698 000 сўм этиб белгиланди.

Шунингдек, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни минимал истеъжол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорларда белгилаш мақсадида 2022 йил 1 майдан бошлаб:

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига 500 000 сўм;

иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 500 000 сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 500 000 сўм этиб белгиланди ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — 185 000 сўмдан қўшилди;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар

меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори ойига — 500 000 сўм этиб белгилаб, кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлаши белгилаб берилди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғирлашувининг олдини олиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали 2022 йил 1 апрелга қадар нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун маълумотларнинг хато тақдим этилиши, киритилиши ва техник сабаблар тўғрисидаги фуқароларга ортқача тўланган суммалар ҳисобдан чиқарилди.

Мазкур фармонга мувофиқ вилоятимиз бўйича жами 270 миңдан

ортқ фуқароларнинг пенсия ва нафақа миқдорлари белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб чиқилиб, пенсия ва нафақа миқдорлари оширилган ҳолда май ойи тўлов кайномаларига киритилди.

Фармон ижроси доирасида вилоятимиз фуқароларига 50 млрд сўмдан ортқ қўшимча маблағлар йўналтирилганлиги Ўзбекистонда “Инсон қадрини учун” тамойилининг ёрқин ифодасидир. Бойси, аҳоли фаровонлиги йўлида яратилган имтиёз ва имкониятлар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг кундалик ҳаётини йўлга қўйиб олиши, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Зоҳирбек АКРАМОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи.

Янги ўзлаштирилаётган ерлар қанчалик даромад келтиради?

Санжар Тошпўлатов икки йилдан буён Россияда эди. Қўрилиш ишларида ўн сақкиз соатлаб тинимсиз ишлади-ми, топган пулининг баракаси бўлмади. Ҳаммасидан ҳам беш фарзандни дунёга келтириб, қариганда уйда ёлғиз мунғайиб қолган оназори кўз олдида кетмади. Икки сингил узатилган, уч оға-ини узокнинг бошогига кўз тикиб, мусофирликда дайдиқек юрганидан алами келди. Бир кун ижтимоий тармоқларда Олтиариқда 1000 гектар ерда узумзор ташкил этилиб, туман ёшларига бўлиб берилаётгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолди-ю, ўз юрти томон ошиқди.

Биз ҳали синалмаган, қор-ёмғирдан бўлак сув кўрмаган тошлук ер қанчалик ҳосил бериши ҳақида қизикдик:

— Сув муаммо бўлмаган жойда деҳқончилик ривож топади, — дейди туман маҳаллабай ишлов ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбари Улуғбек Мирзамухамедов. — Шу юм, энг замонавий томчилик суюқриш технологиялари Туркиядан келтирилди. Мухтажасислар тўпрокнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларини ҳар томонлама ўрганишиди. Олтиариқликларни билганлар эса уларнинг бир қарич ерни ҳам даромад манбаига айлантиришидан хабардор. Шундай экан, хавотирга ўрин йўқ. Ҳоким ёрдамчиларнинг хатлови натижасида туманда 13000 дан ортқ ишсиз ёшлар борлиги аниқланган. Икки ярим мингга яқини турли ишларга жалб қилинган. Агар мазкур лойиҳа тўлиқ охирига етказилса, туманда яна 4000 нафар аҳоли бандлигига эришилади.

Тўғри, ер берилгани жуда яхши. Бироқ бу ўзини қанчалик оқлайди? Узум кўчатлари мевага кириши учун 3 йил, яхши ҳосил бериши учун қамида 5 йил керак, аслида. Унга қадар деҳқон яна анча харажат қилиши зарур. У қачон даромад олишни бошлайди-ю, оила боқиш, кредит тўлашга маблағи етарли бўлади?

— Фуқарога ҳамма шароити мукамал бўлган тайёр боғ берилган. Бу энг катта имконият, — дейди марказ раҳбари. — Биз ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилганмиз. Яхши қаров бўлса, бас. Узумлар ҳосилга киргунча унинг орасидаги тарвуз, ловия, мошдан кузгача 15-20 миллион сўм даромад олиш мумкин. Етиштириладиган маҳсулотларнинг харидори ҳам тайёр. Уларнинг 80 фоизи Туркия ҳамда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Қолган 20 фоизи ички бозорда сотилади. Хуллас, ердан фойдаланишни билган одам даромад топишни ҳам билади.

Шу ўринда нафақат Олтиариқ, бар-ча туманларда деҳқончилик билан

шўғулланмоқчи, иссиқхона қилмоқчи бўлганларга маҳалладаги ҳоким ёрдамчиларнинг тавсияси билан 10 йилга 10 сотихдан ижарага берилаётган ерлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”даги фуқароларни қуруқ ерлар билан “сўйлаб”, ҳали бирор даромад топмай, фойдага кирмай туриб, мазкур дафтарлардаги рўйхатдан чиқариб юбориш ҳолатлари кузатилаётгани ўйлантиради одамни.

Ер берилди, фуқаро ўзини ўзи банд қилди, энди бойиб кетади, деган маънодаги бу ҳаракатлар қанчалик тўғри? Ҳеч ким 10 сотих қуруқ ер билан бирданига камбағалликдан чиқиб қолмаслиги ҳақиқат-ку! Узини ўзи ҳар томонлама қоплаши учун унга йиллар керак. Бу борада мутасаддилардан изох сўраганимизда, Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан шун тўғрисида таъкидлашди. Мазкур қарорга қўра, қуйидаги ҳолатларда “Темир дафтар”га киритилган фуқарони чиқариб юбориш мумкин бўлади:

- бандлиги таъминланган ёки даромад манбаига эга бўлганда;
- бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда оила аъзосининг розилиги билан;
- оила аъзосининг мурожаатига асосан ва бошқа ҳолатларда.

Албатта, бундай мунозарали масалалар қонун ҳужжатларида ўзгаришлар бўлиши кераклигига ишора, назаримизда. Зеро, халқ мақдаслари ҳар нарсадан устун бўлган жамиятнинг бош белгиси — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда яққолроқ намоён бўлади.

Чилги ҳосил учун

ҲАҚИҚИЙ МЎЎЖИЗА АЗИЗА ОПАНИНГ УЙИДА

Ҳар гал тун пардаси очилмай туриб, фарғоналик онахон кўзларини “бисмиллоҳ” билан очади. Дастлаб, ҳовлисининг тўридаги узун-узун қилиб қурилган “меҳмонхона”лар томон шошилади. Уй ичкарасида узок куймаланади. Кимлар биландир тинмай сўхбатлашади. Сўнгра бутун маҳаллага яшиллик ифори тарқалади бу уйдан. Олтиариқ туманининг Бўстон маҳалласида яшовчилар тут даракти, тут барглари-ринг ҳидини яхши танийди. Уларнинг ўйи тўғри чиқади: “Азиза опа эрталабдан ипак кўртларини меҳмон қилишни бошлади”.

“Ярим асрнинг ёнидан ўтиб қўйдингиз, бўлди энди”, дегувчиларга сўзи бита:

Тўхм ерга кириб чечак бўлди, Қўрт жондир кечиб ипак бўлди. Лола тўхмича ғайратинг йўқму, Ипак кўртича ҳимматинг йўқму?

Маҳалла ахлининг катта-ю кичигига ёд бўлиб кетган мисраларни йил — йн икки ой тақроқлай веради-тақроқлайверади. “Бир марта кўрт боксам, йил бўйи уйимдан бар-рака аримайди, болам. Мўъжиза излаб, дунё кезаётганларга хайронман. Ҳақиқий мўъжиза менинг уйимда содир бўлади. Бир хашаротнинг жонидан кечиб, ипакка айланишидан ортқ мўъжиза борми?!” дегди кўзлари ёниб онахон.

Кўрт тутиш мавсумида бу оилада тиним бўлмаслиги руст. Сахардан турмуш ўртоғи Азимжон ака ва ўғли Азизбек тутзорлар оралаб, барглари яшнаб турган новдаларни кесиб ипак андарман. Келини ипак кўртларини сийрақлатиш билан овора. Набиралар бир ой оёқ учиде юришга ўрганган. Чунки ёғочдан ясалган “тахт”га ярашган “меҳмон” жуда нозик, ҳурмати эса баланд.



— Довондан ўтдик, ҳисоб, — дейди Азиза опа. — Яқинда ҳосилни йиғиштирамиз. Насиб қилса, 100 килодан кам пилла олмайман, деб ҳаракат қилпаман. Бутун фикр-у хаёлим шунда. Иссиқлигини назорат қилиб, кумурсқа кирар тешиқларни бериктиб, озукасини ўз вақтида бериб, меҳрингизни

Гўзал ОХУНОВА.

Фарғона вилояти Адлия бошқармаси Нодавлат нотижорат ташкилотининг алоҳида бўлини томонидан 2019 йил 9 апрель куни 357-“б” сонли реестр билан давлат рўйхатидан ўтган Фарғона шахар, Қурувчилар кўчаси, 4-уйда жойлашган Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жониға қасд қилишнинг олдини олиш Республика марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлинимаси, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Васийлик кенгашининг 2021 йил 31 август кунги 01-2/4 сонли йиғилиш баёниға асосан ўз фаолиятини тутгаётганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

СТИР: 207 294 431.

Дебитор-кредитор ташкилотлар 1 ой муддат ичиде марказға мурожаат этишлари сўралади.


ЭЪЛОНЛАР	
Фарғона шахар, Қурувчилар кўчаси, 4-уйда жойлашган Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жониға қасд қилишнинг олдини олиш Республика марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлинимаси номиға Фарғона вилояти Адлия бошқармаси Нодавлат нотижорат ташкилотининг алоҳида бўлинимаси томонидан 2019 йил 9 апрель куни берилган 357-“б” рақамли Гувоҳнома ҳамда Низом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	СтИР: 207 294 431.
Бағдод тумани, Тадбиркорлар кўчаси, 31-уйда жойлашган “Great-Town” хусусий қорхонаси номиға берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Асака туман педагогика коллежини 2006 йилда тамомлаган Умарова Назира Адхамовна номиға берилган 404954 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Олтиариқ тумани 39-ўрта таълим мактабини 2020 йилда тамомлаган Турсунбоева Хатичахон Музаффар қизи номиға берилган UM 0678906 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Олтиариқ тумани 9-ўрта таълим мактабини 2019-2020 ўқув йилида тамомлаган Мунавваржонова Элбек Марибонхон Уғли номиға берилган UM 0677268 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	

Қува тумани 33-ўрта таълим мактабини 2006-2007 ўқув йилида тамомлаган Алижоновна Гулёра Абдурахмон қизи номиға берилган U 2467288 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Фарғона шахар 8-ўрта таълим мактабини 2006-2007 ўқув йилида тамомлаган Сидиков Ойбек Эржинович номиға берилган U 2406516 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Фарғона касб-ҳунар мактаби (собиқ электротехника лицейи)ни 1997 йилда тамомлаган Евграфов Леонид Альбертович номиға берилган АУ 071805 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Собиқ Фарғона индустриал техникумини 1994 йилда тамомлаган Редко Павел Юрьевич номиға берилган 005896 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Фарғона вилояти юридик техникумини 2021 йилда тамомлаган Турғунова Фазилатхон Сафарали қизи номиға берилган РТ 0001395 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Собиқ Фарғона саноат касб-ҳунар коллежини 2009 йилда тамомлаган Абдуллаева Ҳаётхоншо Зокирхон қизи номиға берилган K 1361160 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳрида жойлашган “Yiwu city meng du export and import” масъулияти чекланган жамияти номиға берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Фарғона тумани 6-ўрта таълим мактабини 2020-2021 ўқув йилида тамомлаган Ҳамдамова Фотима Акмальжон қизи номиға берилган UM 111239 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Марғилон педагогика коллежини 2007 йилда тамомлаган Милладжоновна Муаттархон Соийбджоновна номиға берилган K 811399 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали академик лицейи (собиқ Фарғона давлат университети) қошидаги академик лицейи)ни 2003 йилда тамомлаган Машарипова Барно Камиловна номиға берилган L 007131 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Бағдод тумани 1-сонли касб-ҳунар мактаби (собиқ Бағдод кишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи)ни 2017-2018 ўқув йилида тамомлаган Холдарова (Акрамжоновна) Шахлохон Бекмирза қизи номиға берилган K 5231600 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	
Қўштепа тумани ИИБ томонидан 2017 йилда Шералиев Абобакир Ҳақимович номиға берилган 1422 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	

Мурожаат учун манзил: Фарғона шахар, Университет кўчаси, 25-уй.

Фарғоналик алломалар



Устоз санъаткор — МАХМУДЖОН ХОФИЗ...

Ўзбекистон халқ ҳофиси Махмуджон Тожибоев 1957 йилда Қўва туманида санъаткорлар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан мусиқий муҳитда улғайиб, дастлаб бобоси Давронбой ҳофиз, кейин ўз даврининг атоқли ҳофизларидан бири Эгамберди Маматовдан мумтоз санъатимиз сир-асрорларини кунт билан ўрганди.

1979-1984 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедрасида сабоқ олди. Фаолияти давомида Ўзбек мумтоз мусиқасини мукаммал эгаллаган билимдон ҳофиз, фалсафий тафаккурга эга бўлган мақомшунос ва моҳир ижрочи сифатида танилди. Соҳа ривожини унён қиладиган кўплаб шогирдлар тарбиялаган устоз-профессор даражасида қадр топди. Бастакор сифатида бир қатор асарлар яратиб, мақом санъатини муносиб давом эттирди. Махмуджон Тожибоев замонамизнинг моҳир созандаси, манзурафас хонандаси, билимдон ҳофизи, мумтоз йўлда ижод қилган бастакор ва бетакор устоз санъаткордир.

Дунёда ижодкорлар кўп... Улар халқимиз маънавий дунёсининг камолоти учун бутун умрини ижодга бағишлаган фидойилардир. Бундай инсонлар ҳаётининг мазмуни ҳам, ижод маҳсуллари ҳам қолдирган меросида тўлиқ мўжасам бўлади.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда номлари ана шундай умрбоқий ижодий маҳсуллари билан тарихга битилган намоёндаларга замондош эканлигимиз кўнгилга ғурур-ифтихор бахш этади. Беихтиёр ҳамкасб, ҳамроҳ, ҳамфирқ ва ҳамкор дўстларнинг ичида буларнинг оғирлиги оғир бўлади. Махмуджон Тожибоев ижодига ишора эканлигини англаган бўлсангиз керак.

Айни кунларда мумтоз мусиқа, хусусан, мақом санъати таълими мезонларда, мақом ижрочилик амалиётида, мақом санъатининг илмий ва амалий тугаш омилининг тадқиқот сарҳадларида устоз фаолиятига улкан зарурат борлигини сезамиз. Шундай дамларда ҳофизлик санъатининг асоси бўлган "хирад синжоби"нинг нақадар буюклиги ва имкониятларнинг улғуворлигига иқдор бўлсангиз қилиб, ўзидан халқимизга, ўзбек мумтоз мусиқа меросига улкан ва арзиғулик мерос қолдирди. Бутун умрини мумтоз мусиқа ва мақом санъатининг ривожига бағишлади. Чиройли оила қуриб, ибратли фарзандлар тарбиялади, шириндан-шакар набираларнинг камолоти кўриш насиб этди. Халқимизга фидокорона хизмат қилиб, ўзидан кейинги авлодлар учун бир қатор давомчи шогирдларини қолдирди.

Ҳофизнинг ибратли ҳаёти мазмуни, самарали фаолияти ранг-баранг ва албатта қадрлидир. Ижоднинг чеки йўқ, чунки у ўзбек мумтоз мусиқаси ижрочилиги, илми ва амалиёти билан боғлиқ тадқиқотлар, ўрганса арзиғулик мерос қолдирди. Бу мақола орқали Махмуджон Тожибоев ижодининг беш қирраси, яъни ахамиятли жиҳатлари хусусида фикр юритмоқчимиз. Булар

атоқли санъаткоримизнинг устоз-шогирд аънаъасига кўра амал қилган ва устозларидан ўрганган сабоқ жараёни, созандалик, хонандлик, бастакорлик ва устозлик фаолияти билан боғлиқ.

Устоз-шогирдлик аънаъаси ўзбек халқининг тарбиясидаги энг мукаммал таълим жараёни эканлиги амалиётда ўз исботини топган. Ҳофизлик санъати ҳам ана шундай жараёнларда товланган ва эл ардоғига сазовор бўладиган касблардан биридир. Устоз-шогирдлик тарбияси — ушбу аънаъа асосида таълим олган ижодкорнинг келажаги ва камолотини белгилаб беради. Махмуджон Тожибоев мумтоз мусиқа ижрочилик аънаъаларида катта салоҳиятга эга бўлган ва мумтоз мусиқа ижодиёти ривожига улкан ҳисса қўшган устоз санъаткорларнинг ижодини идроклагани унда мумтоз мусиқага бўлган ижодий муносабатлар кўнжимасини юзага келишига сабаб бўлди. Ҳамроқул Қори, Маматбува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Маъруфхўжа Баҳодиров каби устозларнинг ижрочилик аънаълари унинг учун ўрнатилди. У Фарғона водийси ижрочилик аънаъларида катта ашула ижро мактабларига хос бўлган услубларни яхши ўзлаштирди.

Ўсмирлик давридан бошлаб у Шамс Табризий, Жалолитдин Румий, Ҳофиз Хоразмий, Жомий, Навоий, Бобур, Ҳувайдо, Машраб, Муқимий, Фурқат каби мумтоз адабиётимиз намоёндалари ижодини, адабий меросини кунт билан ўрганди. Устоз санъаткорларнинг ижрочилик аънаълари асл моҳиятини халқимизга тушунарли ҳолда етказишга катта эътибор қаратди. Бу борада мумтоз адабиётимизнинг замонавий намоёндалари билан ижодий ҳамкорлик қилади. Навоийшунос олимлар С. Фаниева, А.Рустамов, А.Қаюмов каби адабиётшунос олимлар билан яқиндан муносабатда бўлиб, ижодий ҳамкорликда самарали фаолият олиб борди. Шашмақом илми ва ижрочилик аънаъларини мукаммал идроклаш, мусиқий меросга ижодий ёндашиш каби ҳофизлик аънаъларини шакллантирди.

Ориф Алимаҳсумов, Турғун Алиматов, Очилхон Отахонов, Орифхон Ҳотамов каби устозларнинг тарбиясини олиб, уларнинг ижрочилик аънаъларини белгиловчи сирларидан баҳраманд бўлади. Устозларнинг ижро услубларини кунт билан ўрганди. Зеро,

уларнинг ҳар бири мусиқа мероси ижрочилигининг алоҳида аҳамият касб этувчи мактабларидир. Шу боис Махмуджон ижросидаги ҳар бир асар талқинида, унинг муаллифи ёки ижрочисининг услуби яққол намоён бўлиб туради. Буни биз мақомлар ижросида шашмақом услуби, суворалар ижросида Хоразм ижро мактаби, Машрабхонликда Маъруфхўжа Баҳодиров, Фарғона-Тошкент услубида Ҳамроқул Қори, Маматбува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Фаттохон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Очилхон Отахонов каби ижро мактаблари аънаъларини ҳис этишимиз.

Созандалик санъати ўзбек мумтоз мусиқасининг асосларидан бири ҳисобланади. Бу, албатта, асллар давомида шаклланган. Ҳозирда асл созандалик айрим намо-

яндлардагина сақланиб қолгани ачинарлидир. Маъруфхон Тошпўлатов, Риски Ражабий, Махмуд Муҳамедов, Фуломжон Ҳожикўлов, Турғун Алиматов каби устоз созандалик ўзбек созандачилик санъатининг ибрат даражасидаги намоёндалари эдилар. Кейинги авлод ушбу мактабларнинг давомчилари сифатида фаолият олиб бормоқда. Махмуджон Тожибоев созандаликда чолғулардан танбур, сато, дутор, рубоб, уд, соз, ғижжак ва доира каби созларни мукаммал ижро этарди. Айниқса, Турғун Алиматовнинг шогирди сифатида услубини тўлақонли эгаллаб, ёш авлодга ўргатишга ҳам эриша олди. Махмуджон Тожибоев сато ва танбур созларида бетакор ижроларни ёзиб қолдиришга улгурди. Айтиш лозимки, у ижрода мукамалликка эришган созанда сифатида фаолият олиб борди. Булар радио фондида сақланаётган "Самарқанд Ушшоғи", "Чоргоҳ", "Сато ноласи", "Чўли Ироқ", "Сурнай ироғи", "Насруллоий", "Танова" каби кўп миқдорда ҳамон тингловчилар қалбини жунбишга келтириб, янграб келмоқда. Чолғу ижрочилиги бўйича Махмуджон мақомларнинг мушқилот қисми, Фарғона-Тошкент чолғу туркумлари ва йўлларини яхши идроклаган ҳолда ўзлаштириб, бу соҳанинг давримиздаги билимдонига айланди.

Хонандлик санъати ўзбек мусиқасида ўзининг намунави жиҳатлари билан алоҳида қадрланиб, ёززозланиб келинган. Халқ ҳофизлари, бетакор хонандлар доимо эл ардоғида, халқимизнинг кўз ўнгиде ибратли фаолиятларини олиб борган. Бунга уларнинг сеҳрли овозлари, ранг-баранг ижро репертуарлари, жами-ямтида тутган ўринлари ва энг муҳими, ижро талқинлари асос бўлган. Гўзал талқинга эга бўлиб халқ эътирофини олган моҳир хонандларини халқимиз ҳурмат ила "Ҳофиз" дея ёززозлаганлар.

Ўзи аслида ҳофиз ибораси Қуръони каримни ёддан ва қироат билан ўқийдиган гўзал овозли қориларга нисбатан ишлатилган. Этимологик нуқта назардан ушбу ибора "эса саклаш" маъносини аниқлатади. Асл маъносидан келиб чиқиб, ижрочилик мезонларига мос келадиган, илми ва билимли мумтоз хонандларини ҳам ҳофиз номи билан аташ XX асрнинг 30-йилларига келиб истеъмолга кириб келди. Яъни, мумтоз мусиқа мероси ва



халқ йўлларига мансуб йирик шаклдаги ашулалар ижрочилари — моҳир хонанд ва машхур ашулаларни «Ҳофиз» деб юритиш расман кенг оммалашди. Бунга албатта ушбу давр мутасаддилари томонидан эътироф этилиб, ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди. 1939 йили «Халқ ҳофиз» фахрий унвони таъсис этилди. Унга биринчилар қаторида машхур хонандлар Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов ва Ортиқхўжа Имомхўжаевлар сазовор бўлдилар.

Мумтоз мусиқа, айниқса, мақомларга эътибор ўзгарганлиги сабабли 50 йилча бу олий унвонга нисбатан эътибор бўлмаган. 1991 йилдан бошлаб бу унвонга устоз санъаткорлар Очилхон Отахонов, Одилжон Юсупов, Фаттохон Мамадалиев, Ҳасан Ражабий, Муҳаммадхон Каримов, Рўзмет Жуманиёзов, Орифхон Ҳотамов, Ўлмас Саиджоновлар сазовор бўлдилар. Муस्ताқиллик шарофати билан «Халқ ҳофиз» фахрий унвонига Қувондиқ Исқандаров, Эсон Лутғуллоев, Исқондор ва Исроиловлар Ваҳодовлар, Махмуджон Йўлдошев, Махмуджон Тожибоев, Бекназар Дўстмуродов, Фарход Давлатов, Сойиб Ниёзов ва Наби Иброҳимовлар лойиқ кўрилди.

Ҳофизлик аслида хонандликнинг энг юқори даражасидир. Унинг талабларида, аввало, илм ҳамда амалий унсурлар мужассам бўлади. Албатта, бирламчи жараён бу — овоздир. Овоз ҳам кўп жиҳатли эканлигини унутмаслик лозим. Иккинчи жараёни сабоқ билан боғлаш мумкин. Унинг натижасида билим, яъни ҳофизлик хониш билан боғлиқ билим даражаси намоён бўлиши зарур. Бу ўринда ижро маҳорати, сўз, муносиб ва ҳамоҳанг талаффуз, оҳанг тараннуми, мусиқий меросни билиш ва ижодий муносабат кўзда тутилади. Ушбу аънаъа мумтоз санъат ривожининг муҳим омил сифатида азал-азалдан катта аҳамият касб этиб келган.

Махмуджон Тожибоев устозлари Маматбува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар услубига меҳр кўйиб улғайди. Ижросининг асосини ҳам уларнинг ижро услуби ташкил этди. Махмуджоннинг мумтоз ижрочилик мактаби шаклланишида бу устозлар ибрат бўлди ва умрининг охиригача уларга садоқатли шогирд мактабда қолди. Махмуджоннинг мусиқадаги сабоғи ҳам устозларга бой бўлган. У Маъруфхўжа Баҳодиров, Ориф Алимаҳсумов, Турғун Алиматов, Очилхон Отахонов, Орифхон Ҳотамовлар тарбиясини олди, улар билан ёнма-ён туриб мақом ансамблида фаолият олиб борди. Бу устозлар билан ҳамкорликда ижод қилишга ҳам улгурди. Айниқса, охириги пайтларда Очилхон Отахонов билан кўп мулоқотда бўлиб, биргаликда бир қатор ижодий асарларни яратишга мўяссар бўлдилар.

Ўз ўрнида қайд этиш лозимки, Махмуджон Тожибоевнинг ижро репертуари жуда бой эди: шашмақомни қайта ёзишдаги иштирокидан ташқари ўзининг ижросида 100 дан ортиқ мақом намуналарини ёзиб олинган. "Сарахбори Наво", "Сарахбори Дугоҳ", "Мўғулчай Сегоҳ", "Наврўзи Сабо", "Нимчўпоний", Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан "Дугоҳ", "Чоргоҳ", "Ушшоқ", "Шаҳнози Гулёр", "Баёт", "Катта ашула намуналаридан "Ёввойи Чоргоҳ", "Ёлғиз", "Эй дилбери жоним", мумтоз ашулалардан "Топмадим", "Чорзарб", "Бозургоний", "Келдик", "Наззора қил", "Кезарман", "Жоним эрусан", "Дилраблар", "Бу оқшом" каби мумтоз куй-кўшиқлар шулар жумласидандир.

Махмуджон Тожибоев мақомларни мукаммал идроклаган устоз санъаткор эди. Ўзининг бастакорлик фаолиятида мумтоз шоирларнинг ғазалларига кўп мурожаат қилди. Шу тариқа "Тебрат-ма кўп", "Айланур", "Жавлон қилди", "Берур", "Бўлғаймен" каби ашулалар, кейинчалик йирик мақом йўлларига хос асарлар, туркумлар яратилди.

Бу орқали у бастакорларнинг мақом ва мақом йўлларида ижод қилиш аънаъасини давом эттирди. "Сарахбори Ушшоқ" ва "Талқини Ироқи Тошкент" Навоий ғазали, "Қашқарчай Ироқи Тошкент" Мискин ғазали, "Сокиномаи Ироқи Тошкент" Нисбат ғазали, "Уфари Ироқи Тошкент" Э. Воҳидов ғазалига бастанланган кўп қисмидаги яққол мисол бўла олади. Махмуджон Тожибоевнинг бу асарлари айни пайтда мақом мактаблари, ёш мақом хонандларининг репертуарларида баралла янграётганлиги барчамизни беҳад мамнун этади.

Устозлик — ўзбек мумтоз мусиқа меросида ҳар бир мақом билимдони учун фаолиятининг мазмуни сифатида қадрлидир. Халқ маънавий дунёсининг ривожини унён қиладиган шогирдларни тарбиялаш — мураккаб, лекин шарафли ишдир. Бу борада Махмуджон Тожибоев баркирег ва самарали фаолият олиб борган ва кўп шогирдлар тарбиялаган олийҳиммат устоз. У Фарғона водийси катта ашула ижрочилик санъатини қайта тиклаш ва ҳамнафас катта ашулалар авлодини тарбиялашда беқиёс хизмат қилди. Унинг тарбиясини олиб халқимиз назаридан ўтган унга яқин ҳамнафас ҳофизлар шаклландилар. Ўзбекистон халқ артистлари Фурқат Ашуралиев ва Элмурод Аҳмедов, хонандлар — Алишер Абдуғофуров ва Акмал Усмонов, Мўмин Садритдинов ва Дониёр Назаров, Ориф Эргашев ва Миржалол Уришбоев, Алишер Азимов ва Хушнуд Солижоновлар шулар сирасига кирадилар.

Консерваториянинг аънаъавий хонандлик кафедрасида олиб борган яқин чорак асрлик фаолиятида 30 нафардан зиёд ёш истеъодларни тарбиялаб етиштирди. Айни кунларда улар республикамизнинг турли ҳудудларида мақом ижрочилиги талаффузи сифатида фаолият олиб бориб, келажақ авлодларимиз бўлган ёшларга мақом ижрочилигини ўргатиб келмоқдалар.

Бугун Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Юлдуз Турдиева, ёш истеъодли хонандлар Ҳилола Самиева, Гулрух Саидова, Баҳодир Саидов, Малика Эгамбердиева, Хуршид Холмиказаров, Сардор Мамадалиев, Дилфуза Қобулова каби ўнлаб шогирдлар номини фахр билан тилга олсақ арзийди.

Дарҳақиқат, Махмуджон Тожибоев давримизнинг мусиқа илми файласуфи ва етуқ ҳофиз сифатида яшаб ўтди. У бугун жисмонан орамизда йўқ, лекин унинг бой ижодий мероси доимо барҳаёт. Бу мерос ундан қолган "Олтин фонд" захиралари, бастакорлик асарлари-ю маҳорат дарслари, манзурафас шогирдлари, шириндан-шакар ўғил-қизлари тимсолида ашайди.

Бу асло завол топмас, аксинча, авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сайқалланиб борадиган боқий меросидир!

С. БЕГМАТОВ, Ўзбек Миллий мақом санъати маркази бош директори, профессор.

1 Инсоннинг ақл-идроки сарҳадлари буюклиги ва зехн имкониятлари

Table with publication details: M'YASSIC: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati MChJ. Bizning manzil: 150114, Farg'ona shahar, Sohibkiron Temur kўchasi, 28-uy. Bosmaxonaning manzili: Farg'ona viloyati, Marilolon shahri, Turkiiston kўchasi, 236-«b» uy.